

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №1

Пахтакор туман

«14» май 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Ёнгинга қарши курашиш жамияти Жиззах виллоят Пахтакор туман худудий бўлинмаси (кейинги ўринларда – “Ижрочи”) Низом асосида иш олиб борувчи номидан бошлиғи X.Ўтамуродов бир томондан Ариасой тумани Халқ таълими бўлими орқали (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) Низом асосида иш олиб борувчи бўлим мудири **М.Низомов** орқали иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар ҳакида туздилар.

## 1. Шартноманинг предмети

1.1 Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар деб аталадиган кўйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

Т/Р	Хизматлар тури	Улчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Услуги по химической обработке	кв.метр	13200	2 500	33 000 000
	<b>Жами</b>				<b>33 000 000</b>

1.3 Хизматлар кўрсатиш муддати мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олиниб, буюртмачи томонидан шартнома умумий кийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўлови амалга оширилгандан сўнг 10 кун мобайнида.

1.3.1 Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб хисобланади.

## 2. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлик ҳаждада кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четта чикишга йўл кўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аникланган камчиликларни 3 кун ичидаги бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий кийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, колган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига хисобварақ-фактура хамда топшириш қабул ыилиш далолатномаси тақдим этилган санадан бошлаб 15 кун ичидаги тўлаб берилади.

2.3. Буюртмачи кўйидаги хуқукларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вактда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган бориши жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вактда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар кисмiga мутаносиб кисмини ижроига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва 2022 йил\_ 31 декабрга қадар амал киласди.

## 3. Шартнома баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **33 000 000 (Ўттиз уч миллион )** сўмни ташкил қиласди.

3.2. Буюртмачи томонидан ижроига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошибб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал килувчи фуқаролик конунчилиги меъёрларига мувофиқ кўлланади.

## 5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тарғибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равиша огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шахар иктисойи сўдида кўриб чиқишга топширадилар.

## 7. Коррупсияга қарши талаблар

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан кўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳакида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлади.

7.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнода у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида харакат килиб, Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## 8. Шартномага ўзгариши ва қўшимчалар киритиши тартиби

8.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгариши ва қўшимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма равиша тузилган ҳолда расмийлаштирилиб, Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан кейингина юридик кучга эга.

8.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгариши ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова \_\_\_\_\_

## 8. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### «Ижро қилувчи»

Ўзбекистон Республикаси Ёнгинга қарши  
курашибиши жамияти Жиззах виллоят Пахтакор  
туман ҳудудий бўлинмаси

(етказиб берувчи номи)

Адрес: Пахтакор туман Мустақиллик кўчаси

Тел./факс \_\_\_\_\_

х/р: 20212000387267001

Банк номи: Халқ банки Пахтакор туман филиали

МФО 00680

ИНН: 200339402

ОКОНХ: 98500

### «Буюртмачи»

Арнасой туман Халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес:

Арнасой туман О.водик МФЙ Ок булок кўчаси

Тел./факс: 72-372-10-50

х/р: 100022860082017092100075031

ИНН: 200331628

ОКОНХ: 97600

Банк номи: Марказий банк Тошкенг шахри

МВЯFXB: х/р: 23402000300100001010

ОВ.УЗ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: СҮ13682251

Ўзбекистон Республикаси Ёнинга карши  
курашиш жамияти Жиззах виллоят Паҳтакор  
туман худудий бўлинмаси бошлиғи X.Ўтамуродов

МФО: 00014

Арнасой туман Халқ таълими бўлими бўлими мудири М.Низомов

M.Y.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

CY13682251

- 1.Loyihaning turi – buyruq.
- 2.Loyihaning nomi – 33 000 000 (O‘ttiz uch million )so‘mlik Haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasi.
- “Ijrochi” - O‘zbekiston Respublikasi Yong‘inga qarshi kurashish jamiyatni Jizzax villoyat Paxtakor tuman xududiy bo‘linmasi boshlig‘i X.O‘tamurodov
- “Buyurtmachi” - Arnasoy tumani xalq ta’limi bo‘limi nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi M.Nizomov
- 3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – “Arnasoy tumani xalq ta’limi bo‘limi” 2022 yil 23 may.
- 4.Loyiha bo‘yicha taklif va e’tirozlar:  
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Arnasoy tuman yuridik  
xizmat ko‘rsatish markazi:  
24.05.2022 yil



Арнасой туман халқ таълими бўлиминига карашли 16 та мактаблар том ёғоч кисмига ёнгинга қарши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш.

2022 йил “24”

Май

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 25

Арнасой туман

Катнашдилар:

Х.Болмонов

- Арнасой туман халқ таълими бўлими бошлик уринбосари баҳолаш танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЎЗОЛАРИ:

Б.Эшонкулов

- Арнасой ХТБ бўлими кадрлар бўлими бошлиги, комиссия котиби.

Қ.Низомов

- Арнасой ХТБ бўлими харидлар бўйича мутахасис, комиссия аъзоси

Ш.Бегимов

- Арнасой ХТБ бўлими бош хисобчи ўринбосари, комиссия аъзоси

Ж.Пардаев

- Арнасой ХТБ бўлими бўлим бошлиги, комиссия аъзоси

Ш.Синдаров

- Арнасой ХТБ бўлими мутахассиси, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Арнасой туман халқ таълими бўлиминига карашли 16 та мактаблар том ёғоч кисмига ёнгинга қарши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича берилган 10 май 2022-йилдаги 33.660.000 (ўттиз уч миллион олти ю олмиш минг), сўмлик, №83711-сонли лотга асосан асосан энг яхши таклифларни танлаш бўйича ўтказилган танловда, танлов комиссияси аъзолари томонидан ушбу лот бўйича таклифларни берган иш хизматларни бажарувчилар орисидан энг яхши таклиф берган иш хизматларни бажарувчи танлаб олинган холда голиб аникланда хамда 2 иш куни мобайнида танлов натижаларига асосан аникланган голибга нисбатан ракобатчилар томонидан хеч кандай этироzlар бўлмаганлиги сабабли “Кўнгилли ўт ўчириш” МЧЖ билан 33.000.000 (ўттиз уч миллион) сўмлик мактаблар том ёғоч кисмига ёнгинга қарши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича шартнома тузиш кўриб чиқилди.

Карор қилади:

- “Кўнгилли ўт ўчириш” МЧЖ томонидан Арнасой туман халқ таълими бўлимига карашли мактаблар том ёғоч кисмига ёнгинга қарши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича ракобатчиларга нисбатан энг яхши таклифларни берганлиги хамда 2 иш куни мобайнида голибга нисбатан хэч кандай этироzlар бўлмаганлиги сабабли “Кўнгилли ўт ўчириш” МЧЖ билан мактаблар том ёғоч кисмига ёнгинга қарши кимёвий ишлов бериш иш хизматларини бажариш бўйича шартномаси тузилсин.

Х.Болмонов  
(И.Ф.О.)

  
(И.Ф.О.)


Б.Эшонкулов  
(И.Ф.О.)

  
(И.Ф.О.)


Қ.Низомов  
(И.Ф.О.)

  
(И.Ф.О.)


Ш.Бегимов  
(И.Ф.О.)

  
(И.Ф.О.)

Ж.Пардаев  
(И.Ф.О.)

  
(И.Ф.О.)

Ш.Синдаров  
(И.Ф.О.)

  
(И.Ф.О.)